
"Шойимбек" маҳалласида ош дамланиб аҳоли вакилларига тарқатилди

Мамлакатимизда кечаётган аномал совуқ об-ҳаво шароитида халқнинг кайфиятини кўтариш мақсадида туманимизда хайрли ишлар давом этмоқда.

Жумладан бугун "Шойимбек" маҳалласида кам таъминланган, эҳтиёжманд хонадонлар, ногиронлиги бўлган, ўзгалар ёрдамига муҳтож оила вакилларига катта дошқозонларда ош дамланиб тарқатилди.

Шунингдек, катта-ю кичик ташаббускорлар томонидан ҳозирги аномал совуқ об-ҳаво шароитида ўз маҳаллаларида яшовчи ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат, кўмир маҳсулотлари тарқатилди.

Туман маҳаллаларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва синовли кунларда ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган хайрли тадбирлар давом этмоқда.

2023-01-21 20:59:43